



ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ПАХТА САҚЛАШ ТАЖРИБАСИ ТАХЛИЛИ

Абдуллаев Шарофиддин Юусуп ўғли

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Маллаев Орифжон Самад ўғли

Абдуллаев Камолиддин Юсупович

Абдихамидов Нурбек Урол ўғли

Термиз мухандислик-технологиялар институти

G-mail:shabdullayev061193@gmail.com, tel: +998(99) 352-20-20

Аннотация: Ушбу мақолада хорижий пахта тозалаш корхоналарида пахтани сақлашнинг мавжуд муаммолари ва ечимлари келтирилган. Сақлаш жараёнлари ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: Пахта, сифат, сақлаш, намлик, ифлослик.

Аннотация: В данной статье представлены существующие проблемы и решения по хранению хлопка на зарубежных хлопкоочистительных предприятиях. Изучаются процессы хранения.

Ключевые слова: Хлопок, качество, хранение, влажность, загрязнение.

Annotation: This article presents the existing problems and solutions for the storage of cotton at foreign ginneries. Storage processes are being studied.

Key words: Cotton, quality, storage, humidity, pollution.

Хорижий давлатларда пахта сақлаш муаммоси бошқачароқ ҳал қилинган. АҚШда 98% гача пахта машинада терилади. Пахта даласида бир вақтда бир неча пахта териш машиналари ишлайди. Терилган пахтани машиналар модул босадиган ускунага тўкадилар. Ускуна 10x3x3 метр ўлчамли оғирлиги 10 тоннагача бўлган пахта модулини тайёрлайди. АҚШда пахта тозалаш корхоналарини ишлаб чиқиш қуввати пахтани иккинчи жойда қайта ишлашга мўлжалланганлиги учун терилган пахтани йиғим-терим пайтида асосий қисми қайта ишланади, кам қисмини қисқа муддатда сақланади.

Кейинги йилларда юқори иш унумдорлигига эга бўлган пахта териш машиналарини ишлаб чиқарилиши, терим вақтини қисқаришига ва мос ҳолда маълум қисм пахтани сақлаш муаммосини келтириб чиқарди.

Америкалик мутахассилар Ричард Л, Пэрика ва Шеби К.Р лар фикрича муаммони ечими икки йўналишда амалга оширилиши мумкин, пахта териш ҳажмига мос равишда пахта тозалаш корхоналарини иш унумдорлигини ошириш ёки пахтани сақлаш омборхоналарини яратиш. Уларни таъкидлашларича, пахта тозалаш корхоналарини иш унумдорлигини ошириш иқтисодий самарасиз бўлиб, пахтани сақлаш маъқулроқ.



АҚШда пахтани симли корзинкада, пахта даласида шиббалаб, тагли мосламада модул шаклида сақлаш ўрганилиб, пахта даласида шиббаланган пахтани трайлерларда сақлаш ва транспортировка қилиш мумкинлиги асосланди.

АҚШнинг "Котн Инкорпорейтед" фирмаси томонидан Хаски тизими деб номланган пахтани модулини шакллантирувчи, транспортировка қилувчи ва узатувчи механизацияланган ускуна ишлаб чиқди. Ушбу ишланмани асосий камчилиги пахтани ерга ғарамланиши натижасида уни чириши ва сифати пасайишидан иборат бўлиб, амалиётга кенг қўлланилмади.

Ушбу камчиликларни инобатга олган ҳолда "Котн Инкорпорейтед" фирмаси томонидан дала шароитида транспортировка қилувчи тележкада пахта модули шакллантирувчи автоматик ускуна ишлаб чиқилди.

Модул шакллантирувчи ускунадан ташқари модулни пахта тозалаш корхонасига элтувчи махсус автотранспорт ҳамда модул бузувчи автоматик ускунаси ишлаб чиқилди.

Модул шакллантирувчи трейлер – модул шакллантирувчи ускуналари пахтани қабул қилиш омборхона ва транспортировка жараёнлари ҳамда пахта ишлаб чиқаришга узатишни тўлиқ механизациялаштириш имконини берган бўлсада, лекин пахтани сифати сақлашни кафолатлашни таъминлаш муаммоси ҳал этилмади. Натижада пахтани трейлерларда ёки омборхоналарда сақлашда уни қизиши кузатилди, пахта толасини нави пасайиши, чигит ва ёғ чиқиши камайди. Шу сабабли пахта қайерда сақланишидан қатъий назар, уни шамоллатиш лозим.

Пахтани фаол шамоллатиш уни 7-8 кун қизишидан сақлайди.

АҚШда қайта ишлашдан қолган пахталар тележкаларда сақланди, уларни етишмовчилиги туфайли йиғим терим иши секинлашади. Шу сабабли кўп пахта тозалаш корхоналари пахтани метал корзиналарда (1-1,5 тонна) сақлашни тадбиқ этишди.

Пахта юкланган корзиналар юклагичлар ёрдамида шийпонлар тагида салафан материал билан ўралган ҳолда сақланди.

Пахта зичлиги юқори бўлмаганлиги сабабли (150 кг/м^3 дан кам) уни сифатини бузмасдан сақлаш имконияти яратилди. Лекин ушбу усул корзиналар тайёрлашда рангли металлларни ишлатилганлиги ва махсус берк биноларда сақлашда қийинчиликлар мавжудлиги туфайли уни таннархи юқори бўлади.

Хитойда ҳам худди шу усулда пахта сақланади. Хулоса қилиб шунини айтиш керакки, хорижий давлатларда пахта тозалаш корхоналарини ишлаши мавсумий бўлганлиги сабабли, сақлаш учун қолган пахта миқдори кам бўлганлиги сабабли у катта муаммо туғдирмайди. Шу сабабли пахтани сақлаш жараёнида, уни қизиши биологик жараёнлар ўрганилмаган.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Parpievich P. A. et al. ANALYSIS OF THE RESULTS OF THE INITIAL OPERATION OF COTTON WITH HIGH MOISTURE IN COTTON CLEANING PLANTS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 11. – С. 1026-1029. Parpievich P. A. et al. ANALYSIS OF THE RESULTS OF THE INITIAL OPERATION OF COTTON WITH HIGH MOISTURE IN COTTON CLEANING PLANTS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 11. – С. 1026-1029.
2. Parpievich P. A. et al. ANALYSIS OF MOISTURE AT DIFFERENT POINTS OF COTTON IN THE GARMENT DURING THE STORAGE PROCESS OF HIGH-HUMIDITY COTTON //Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 83-86.
3. Парпиев А. П. и др. НАМЛИГИ ЮҚОРИ ПАХТАНИ САҚЛАШ ЖАРАЁНИДА ҒАРМДАГИ ПАХТАНИНГ ТУРЛИ НУҚТАЛАРИДАГИ ИФЛОСЛИКНИНГ НОТЕКИСЛИГИ ТАХЛИЛИ //Новости образования: исследование в XXI веке. – 2022. – Т. 1. – №. 5. – С. 162-164.